A nighttime photograph of a city skyline, likely New York City, featuring several illuminated skyscrapers. The lights are primarily blue and white, with some red accents. The buildings are out of focus, creating a bokeh effect. The image is used as a background for the text on the page.

Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош  
саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай  
лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш  
орқали эришилади.

**Ш. Мирзиёев**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



**Лойиҳа ташкилотчиси:**

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

**Тузувчи:**

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази.

**Тақризчилар:**

С.Р.Мажидов – Тошкент архитектура-қурилиш институти “Қурилиш материаллари ва кимё” кафедраси мудир, т.ф.ф.д, доцент.


Д.С.Исмоилов - “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази бош мутахассиси.

**Ушбу қўлланма**

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ туҳфаси ҳисобланади.**

© “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ – 2021

© “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ – 2021



Ушбу қўлланма «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, ҳамда «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан хризотилшифер маҳсулотини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидаги тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб хризотилшифер ишлаб чиқариш ҳақида умумий маълумот олиш, керакли хом ашё турла-

ри, мавжуд заҳиралар, ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъёрий хужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

**Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!**

**Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!**



## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b>	<b>6</b>
<b>I. Хризотилшифер ҳақида умумий маълумот</b>	<b>12</b>
1.1 Республикада хризотилшифер ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси	14
1.2 Хризотилшифернинг турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари	18
1.3. Афзалликлари	22

1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда	24	6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар	52
<b>II. Хом ашё турлари ва мавжуд заҳиралар</b>	<b>26</b>	6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш	56
<b>III. Ишлаб чиқариш технологиялари</b>	<b>30</b>	<b>VII. Меҳнатни муҳофаза қилиш</b>	<b>58</b>
<b>IV. Сифат, меъёрий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари</b>	<b>36</b>	7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари	60
4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари	38	<b>VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми</b>	<b>66</b>
4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш	42	<b>IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби</b>	<b>68</b>
4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги	44	Фойдаланилган адабиётлар	70
<b>V. Самарадорлик кўрсаткичлари</b>	<b>46</b>		
<b>VI. Экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири</b>	<b>50</b>		

# КИРИШ







Бугунги кунда мамлакат бўйича қурилишни жадал ўсиши қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг жадал ривожланишига сабаб бўлмоқда. Қурилиш учун турли-туман материаллар-

дан фойдаланилмоқда, ҳаттоки анъанавий хризотилшифер ҳам ўзининг етакчилик аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. Янги материаллар замонавий биноларнинг ташқи кўринишини ва ички ишламасига бўлган ёндашувни



бутунлай ўзгартириб юбормоқда.

Бугунги кунда қурилиш материаллари ва буюмларининг энергия тежамкор, арзон, пишиқлиги, қуёш ва бошқа нурлар таъсирига бардошлилиги, юқори даражадаги экологик хафсизлиги, ўрнатишнинг (ишлатишнинг, тозалашнинг) осонлиги эстетик жозиба-

дорлиги қисқа қилиб айтганда, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчанлиги каби талаблар қўйилган. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш санотининг энг муҳим вазифалари маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланиш ва янги турдаги инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларнинг сифа-



тини ошириш ҳамда қурилиш материалларининг таннархини камайтиришдир.

Республикамызда қурилиш материаллари саноатида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори ижроси доирасида янги турдаги инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Қурилиш материаллари саноатида ишлаб чиқаришнинг

барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, соҳани жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш учун қулай шароитлар яратиш, қайта ишлашга сармоялар жалб этишга қаратилган таркибий ислохотлар маҳаллий минерал хом ашё асосидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир.

Республикамызда энг кенг тарқалган ва арзон қурилиш материаллари хризотил ва цемент асосида тайёрланган шифердир. У турли хил объектлар ва бинолар қурилишида том ёпқич сифатида айниқса қишлоқ жойларда 83% гача уйларнинг том қисмини ёпишда ишлатилади.

1901 - йилда Чехия муҳандиси Людвиг Гатсек портландцемент, хризотил ва сувдан




шифер ишлаб чиқариш технологиясини ихтиро қилди ва патентлади. Унинг ихтиросининг моҳияти хризотил толаларини цемент ёрдамида қотиришда эди. Ихтиро табиий том ёпиш қопламалари ўрнига келди ва Европада машхурликка эришди. Ҳозирги кунга келиб том

ёпиш қопламалар тури кўплигига қарамай хризотил ва цемент асосида тайёрланган шиферга бўлган талаб камаймаган.

Ҳозирги кунга келиб хризотил ва цемент асосида тайёрланган шифер икки хил кўринишда тўлқинсимон ва ясси кўринишда тайёрланади.

# I. ХРИЗОТИЛШИФЕР ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ





## 1.1 Республикада хризотилшифер ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси



Хризотилшифер тайёрлаш – бу қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноатнинг йирик тармоғи бўлиб, асосан турли хилдаги хризотил ва цемент қоришмасидан иборат материаллар ишлаб чиқаришга қаратилган.

Ўз номидан кўриниб турибдики, бундай материал асосан иккита хом ашёдан, яъни хризотил ва цементдан ташкил топган бўлиб ундаги ҳар бир компонентнинг ўз ўрни бор. Уларнинг ўзаро бирикишидан эса янги, махсус хоссаларга эга бўлган маҳсулот ҳосил бўлади. Махсус курслардан маълумки, цемент юқори босимга яхши қаршилиқ кўрсатса ҳам, айланма ва чўзилувчан кучга ижобий қаршилиқ кўрсата олмайди. Цементнинг бу камчиликларини камайтириш ёки унга чек қўйиш мақсадида унинг таркибига хризотил қўшилади. Толасимон бўлган хризотил қотаётган боғловчи материал массаси

билан яхши аралашади ва унинг структурасини мустақамлаб, маҳсулотни айтиб ўтилган кучга бўлган қаршилигини оширади.

Республикамизда хризотилшифер ишлаб чиқариш ва уни сотиш бозори азалдан ривожланиб келмоқда. Хризотил ва цемент асосида ишлаб чиқарилган шифер юртимизда кенг ишлаб чиқарилади ва фойдаланилади. Бунга мисол қилиб қўйидаги корхоналарни келтириш мумкин:

- «QIZILQUMSEMENT» АЖ;
- «OXANGARONSHIFER» АЖ;
- «BEKOBODSHIFER» АЖ;
- «QUVASOYSHIFER» МЧЖ.

Биргина “Охангароншифер” ҳақида гапирадиган бўлсак корхонада 1963 - йилда биринчи бўлиб хризотил ва цемент асосида шифер ишлаб чиқарилган. Орадан икки йил ўтиб, 1965 йилда шифер цехида УВ типидagi бошқа турдаги шифер тайёрловчи яна икки техно-

логик линия ишга туширилди. 70-йилларда эса шиферчилар СБ-40 туркумидаги йирик ҳажмдаги янги шифер ишлаб чиқаришни ўзлаштирган.

2002-2009 – йилларда корхонанинг деярли барча технологик линиялари қайтадан янгиланган ва жиҳозланган ва ўз ўрнида бу билан корхонани иқтисодий мустақиллигини

таъминлаш ва ортиқча харажатларни қисқартиришга эришилган.

Бугунги кунда корхонада хризотилшифер ва қувурларнинг технологик линиялари ишлаб турибди. Корхонада амалга оширилган технологик линияларни модернизация қилиш, иш жараёнларини автоматлаштириш натижасида,







корхона 2008-йилдан хризотил ва цемент асосида шифер ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 100% га эришилди.

**Хризотилшифер ишлаб чиқаришда хорижий тажриба.**

Россия Федерациясида хризотилшифер ишлаб чиқариш кенг ривожланган бўлиб қуйидаги корхоналар мамлакат бозорида ва бошқа давлатларда ўз ўрнини эгаллаган.

«Белгородхризотилоцемент» (БЕЛАЦИ)

«Брянский фиброцементный завод»

«Комбинат «Волна»

«Народное предприятие Знамя»

«Себряковский комбинат хризотилоцементных изделий « (СКАИ)

Биргина «Белгородхризотилоцемент» корхонаси 1953 – йилдан буён фаолият юритмоқда. Корхонада:

- 7, 8- тулқинли 5.7 - 6.0мм

қалинликдаги шифер;

- ясси юзали листлар;

## 1.2 Хризотилшифернинг турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари



Хризотилшифер ГОСТ 30340-95 га асосан ишлаб чиқарилади. Тўлқинсимон шифернинг 7 ёки 8 та тўлқинли тури мавжуд ва 8 тўлқинлиси харидоргир ҳисобланади. Бу уларнинг тўлқинлар орасидаги кичкина фарқлари билан боғлиқ бўлиб бу иш унимдорлигини анча оширади.

8 та тўлқинли шифер ўлчамлари 1130x1750x5.8 мм ва умумий

май майдони (номинал) 1,978 м<sup>2</sup> ташкил этади.

Бинонинг том қисми шифер билан қопланганда ҳар икки томонидан 2 та тўлқинлари бир бирига кийдирилганда шифер 1,57м<sup>2</sup> ташкил қилади. Ушбу ҳолат 7 та тўлқинли шиферда ҳам кузатилади шифернинг номинал майдони 1,715 м<sup>2</sup> бўлса томга ёпилганда 1,33 м<sup>2</sup> ни ташкил қилади.



## Хризотилшифернинг ўлчамлари

Ўлчам номланиши	Оғирлиги кг	Ўлчамлари		( +/- )
		40/150	54/200	
<b>Узунлиги, L</b>	-	1750	1750	±15
<b>Эни В:</b>				
- 7- тўлқинли лист	18-23	980	-	+10
- 8- тўлқинли лист	24.5-26.5	1130	-	-0.5
<b>Қалинлиги t</b>	-	5.7-6.0	6,0-7,5	+1,0 -0.3
<b>Тўлқин баландлиги:</b>				
- тўлқин h		40	54	+4 -3
- ташқи h1		40	54	+4 -5
- ички h2		32	45	+4 -6
Қирранинг ташқи кенглиги b1	-	43	60	±7
Қирранинг ташқи кенглиги b2		37	65	-
Тўлқинлар ораси S	-	150	200	-

## Хризотилшифернинг физик ва механик кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	Қиймати			Тафсилот учун
	Шифер листи			
	40/150	54/200 мм қалинликдаги		
		6,0	7,5	
Марказлашган босим кН	1,5		2,2	-
Эгилувчанлиги мПа	16,0	16,5	19,0	16,0
Зичлиги г/куб.см	1,60	1,65	1,70	1,60
Босим таъсири, кДж/м <sup>2</sup>	1,5		1,6	1,5
Сув утқазувчанлиги, соат (камида)	24			-
Совуқга чидамлилиги	25		50	25
Қолдиқ муштаҳкамлиги %	90			

### 1.3. Афзалликлари



Барча қурилиш маҳсулотларида бўлгани каби хризотилшифернинг ҳам ўз афзалликлари бор.

Хризотилшифернинг афзалликлари:

- Оловга чидамли;
- Совуққа чидамли;
- Иқлим ўзгаришига чидамли;

- Шовқин ўтказиш даражаси пастиги;

- Том қоплашда қулайлиги;

- Бошқа турдаги том ёпиш қопламаларига нисбатан иссиқликни камроқ ўтказувчанлиги;

- Узоқ муддатга хизмат кўрсатиши (60-80 йил);

- Арзон.

### Турли хилдаги том ёпиш қопламаларининг солиштирма жадвали

Кўрсаткич	Табиий тоғ жинсидан	Хризотил ва цементли	Хризотилсиз	Битумли	Металл профли	Юмшоқ том ёпиш қопламаси	Пластик массадан
Эгилувчанлиги	-	+	+	+	+	+	+
Мустаҳкамлиги	+	+	+	+	+	+	+
Оловга бардошлилиги	+	+	+	+	+	-	+
Қуёшга бардошлилиги	+	+	+	+	+	+	+
Занглашга мойиллиги	-	-	-	-	+	-	+
Вазни 1 м <sup>2</sup> , кг	27	13,1	10-14	3-6	2,5-32	6,5	1,2-3,2
Яроқлилик муддати	100-500 йил	60-80 йил	50 йил	15-20 йил	50 йил	30-50 йил	40 йил

## 1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда





2016 йилда умумий қиймати 254,7 млрд сўмлик 456,6 минг тонна цемент асосида том ёпқич материаллар ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу рақамлар 2021 йилда 624,0 млрд сўмлик 520,0 минг тонна, 2026 йилда 960,0 млрд сўмлик 800,0 минг тоннани ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Умумий олганда, 2021 йилда республикада барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи 24,2 трлн сўмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сўмни ташкил этиши режа-

лаштирилган. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллари, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, соҳага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллари, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш кўрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сўмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



## II. ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ ВА МАВЖУД ЗАҲИРАЛАР



Шифернинг 80,3 дан 89,2 фоизгача (эквивалентлигига қараб) портландцемент ташкил қилади. Хризотилшиферга М400 маркадаги портландцемент ва А 4-40 дан А 6 - 20 маркалардаги хризотил тури ишлатилади.

Хризотил (юн. asbestos — сўнмайдиган, емирилмайдиган) — эгилувчан ва ингичка (0,5 мкм гача) толаларга ажралиш хусусиятига эга бўлган толасимон минераллар номи. Икки гуруҳга — серпентинларга (хризотил-хризотил) ва ам-фиболларга (амфибол-хризотил) бўлинади. Хризотилцемент (бутун дунёда олиндиган Хризотилнинг 95% дан ортиғини ташкил этади) саноатда муҳим аҳамиятга эга. Бу минерал ўтда куймаслик (эриш температураси 1500°), товуш ва электр энергиясини ўтказмаслик хусусиятларига эга. Саноатда қўлланиши жиҳатидан Хризотил 3 турга бўлинади:

1) толалари 8 мм дан узун бўлган хризотил (тўқимачилик хризотили); газламалар тайёрлаш учун ишлатилади. Бундай газламалардан ўтга чидамли

кийимлар, брезент ҳамда автомобиль тормоз ленталари, филтър ва бошқа асборезина буюмлар ишланади;

2) толаларнинг узунлиги 2 мм дан 8 мм гача бўлган хризотил ; асбоцемент буюмлар, шифер, канализация, сув, нефть, газ қувурлари, хризотил картони, қоғоз, иссиқлик ва электр изоляциялари тайёрлаш учун ишлатилади;

3) толаларнинг узунлиги 0,2 мм дан 2 мм гача бўлган хризотил (қурилиш ва цемент хризотили) ўтга чидамли қурилиш материаллари ва иссиққа чидамли буюмлар тайёрлаш учун ишлатилади. Амфибол-хризотилдан эса кислота ва ишқор таъсирига чидамли буюмлар тайёрланади. Хризотил кўпинча ультра асосли ва таркибида кремнезем кўп бўлган магматик жинслар туташмаларида ва қисман туташ метаморфизм маҳсули сифатида магматик жинсларнинг доломитлар билан туташувида пайдо бўлади.


Портландцемент (инг. Portland – Буюк Британиядаги ярим орол номидан) — сувга

чидамли боғловчи модда қурилиш материали. Таркиби асосан кальций силикатлардан иборат. Цементнинг энг кенг тарқалган тури. Клинкер ва гипс (3–7%) аралашмасини жуда майин туйиб олинади. Аралашмага маълум миқдорда (10–15%) фаол минерал қўшимчалар аралаштирилиши мумкин. Таркиби, хоссалари ва қўлланиш соҳаларига кўра, Портландцемент оддий, тез қотувчан, гидрофоб, сульфатга бардошли, оқ рангли, хризотилцемент маҳсулотлари

ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ва бошқаларга бўлинади. Портландцементнинг таркиби ва сифати асосан клинкернинг таркиби ва унинг қанчалик майин туйилганлигига боғлиқ. Унинг энг муҳим хоссаси сув билан таъсирлашганда қотиш хусусиятидир. Бу хусусияти марка билан белгиланади, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган портландцементнинг маркази 300 дан 600 гача (марка қанча юқори бўлса, материал шунча сифатли ҳисобланади)



### III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ





Хризотилшифер ишлаб чиқариш технологияси оддий. Бунинг натижасида, бугунги кунда кичик корхоналарни минимал миқдордаги автоматик ускуналар билан ишга тушириш амалиёти кенг тарқалмоқда. Умуман, материални чиқариш жараёнини қуйидагича ифода-лаш мумкин:

1. Хризотил маҳсулоти транспортёрлар ёрдамида маркаси бўйича дозаторларга солинади, сўнгра дозатордан бегунга тушади.

2. Титиш дастгоҳига (Распушитель) тушган хризотил маҳсулоти гидравлик қурилма ёрдамида титилади (распушка). Титишни енгиллатиш мақсадида бегунларга бир оз миқдорда сув қўйилади. Сув гидравлик қурилмага ҳам қўйилади, бунда хризотил сув билан аралашиб, суспензия ҳосил бўлади. Хризотилли қоришмада сувнинг миқдори 50 грамм хризотилга 1 литр сув тўғри келади.

3. Хризотил қоришмаси гидравлик қурилмадан турбо аралаштиргичга юборилади ва

дозатор орқали унга цемент қўшилади. Хризотил ва цемент аралаштирилишидан ҳосил бўлган қоришма (суспензия) ковшли аралаштиргичга тушади.

4. Ковшли аралаштиргичдаги қоришма тарновга узатилади, тарнов қувурига қоришма-ни суюқлаштириш мақсадида сув қўйилади. Тайёр аралашма шифер ҳосил қилиш дастгоҳига қўйилади. Дастгоҳдаги қоришма таркиби 100 грамм хризотилга 1 литр сув тўғри келади.

5. Тоза сув ва тозаланган сув рекуператори. Бу махсус идишлардаги сув 40-45° С иситилади ва бутун линияни сув билан таъминлайди.

6. Шифер ҳосил қилиш дастгоҳининг сеткали цилиндрлари ёрдамида қоришма филтрланиб, сувдан ажратилади ва филтёрда қолган нам қоришма транспортёр ёрдамида форматлаш барабанига юборилади. Форматлаш барабани ва босим валлари орасидан ўтган қоришма зичлашади, сувсизлантирилади ва чойшабдан



ажратилиб, форматлаш барабанининг устига ўтади.

7. Формат барабанининг 5-7 айланишидан сўнг, керакли қатлам ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган лист керакли ўлчамларда механик кесиш ускунасида кесилади, кесишдан чиққан қийқимлар қайта хом ашё учун аралаштиргичга юборилади.

8. Керакли ўлчамларда кесилган листга тўлқинсимон шакл бериш дастгоҳида шакл берилади.

9. Тайёр тўлқинсимон листлар тахлагич ёрдамида дасталанади ва  $60^{\circ}$  С ҳароратда печда қурилади.

10. Листлар печдан чиқарилгандан сўнг сув тўлдирилган махсус идишларда сувга буктирилади. Бу жараён шифернинг бўшлиқларини тўлдириш учун лозим.

11. Шундан сўнг маҳсулотлар салқин жойда сақланади ва 5-7 кундан сўнг харидорларга юборилади.



### **Хризотилшифер ишлаб чиқариш жихозларининг дастлабки нархлари**

1. Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган кунига 3000 дона хризотилшифер ишлаб чиқариш қувватига эга технологик линиянинг дастлабки нархи – 3 809 160 000 сўм.

<http://china-delivery.uz/product/линия-по-производству-хризотилоцемент/>

2. Қўшни давлатлардан ўзимизнинг юртимизга олиб келиш билан шуғулланадиган AFEX Group корхонасининг, хризотилшифер ишлаб чиқа-

риш учун мўлжалланган Asbest AF-L026 линиясининг дастлабки нархи – 1 684 245 000 сўм.

<https://glotr.uz/linia-po-proizvodstvu-sifera-asbest-af-l026-p341895/>

3. Германиянинг Wehrhahn GmbH корхонасининг линиясининг дастлабки нархи 4 867 292 986,60 сўм.

<https://www.wehrhahn.de/en/fibreceмент/production-plants.php>

Ушбу линия ишга туширилиши натижасида 40-150 нафар янги иш ўрни яратилиши мумкин.



## IV. СИФАТ, МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ



## 4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонунига асосан барча маҳсулот ва хизматлар тегишли тартибда стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Ушбу стандартларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш

агентлигининг Стандартлар институтидан сотиб олиш мумкин.

Мазкур норматив ҳужжат орқали хризотилшифер ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, хом ашёни танлаш, хом ашё таркибида саноат чиқиндиларидан фойдаланиш тартиби, маҳсулотни ташиш даврий сифат кўрсаткичларини текшириб бориш каби талаб ва тавсиялар келтирилади.

**Хризотилшифер ишлаб чиқариш учун зарур стандартлар қуйидагилар:**

<b>Стандарт рақами</b>	<b>Стандарт номи</b>
<b>ГОСТ 12871-2013</b>	Хризотил
<b>ГОСТ 31108-2016</b>	Қурилиш цементи
<b>ГОСТ 30340-2012</b>	Хризотил ва цемент асосида шифер листлари
<b>ГОСТ 14192-96</b>	Юкларни маркировкалаш
<b>ГОСТ 30244-94</b>	Оловбардошлиликга текшириш
<b>ГОСТ 10198-91</b>	Юк учун махсус тахта паддонлар 200 дан 2000 кг гача. Умумий хусусиятлари.
<b>ГОСТ 3560-73</b>	Қадоқлаш лентаси Техник шартлар







Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-илоvasи “2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати”га мувофиқ 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.

## 4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш



**Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилган.** Хризотилшифер учун мувофиқлик сертификатини масофадан туриб олиш мумкин. Бунда Сиз **singlewindow.uz** электрон платформасига кирасиз, **ариза тақдим этиш** тугмачасини босган ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқилади ҳамда **3 иш куни ичида** тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган хризотил-

шифер намуна олади. Маҳсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



### 4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Хризотилшифер ишлаб чиқаришда турли хил ўлчов воситаларидан, хусусан узунлик ўлчов инструменти, чегаравий ясси узунлик ўлчовлари.

Ушбу ўлчов воситалари қурилиш материалнинг сифати, стандарт талабларда белгиланган геометрик ўлчамлардан четга чиқмаганлиги каби муҳим факторларни доимий назорат қилиш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу ўлчов воситалари Ўз-

бекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 30 июлдаги «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги **3174-сон буйруғига асосан бир йилда бир марта Миллий метрология институти томонидан қиёслов кўригидан ўтказилади.**

# V. САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ



29%



29%



Хризотилшифер ишлаб чиқариш учун тайёр маҳсулот таннархига таъсир этувчи асосий омиллар бу цемент нархи ҳисобланади. Чунки цемент

энг кўп талаб этиладиган хом ашё ва таннархи биржа савдолари натижаларига кўра ўсиб ёки камайиб борувчи ҳисобланади.





Хризотилшифер ишлаб чиқариш учун  
зарур стандартлар қуйидагилар:

Хом ашё тури	1 дона материал сарфи, кг	Нархи, сўм/кг	Шу жумладан 1 дона учун сарф этилган хом ашё, сўм	100 минг дона хризотил шифер учун йиллик харажатлар, минг сўм
Цемент М400	10.76	725	7 801	780 100 000
Хризотил	0.196	4 300	842.8	84 280 000
Металл симли сетка №2	0.0053	12 500	66.25	6 625 000
Металл симли сетка №24	0.0751	12 500	938.75	93 875 000
Мато (Сукно ИКШ,СПШ)	0. 1017	45 000	4 576.5	457 650 000
Ишқор (Соляная кислота)	0. 114	4 800	547.2	54 720 000
Кавшарлаш учун ишлатиладиган сим	1.24	12 000	14 880	1 488 000 000
Сув	0.232	550	127.6	12 760 000
Газ	0.53	3 800	2 014	201 400 000
Электр-энергия	0.87 кВт/дона	450,0	391.5	39 150 000
<b>Жами:</b>			<b>32 185.6</b>	<b>3 218 560 000</b>
<b>Ишлаб чиқарувчининг фойдаси: (жами харажатларнинг 10,0%)</b>			96 556 800	3 315 116 800
			32 185 600	3 250 745 600
			321 856 000	3 540 416 000
			450 598 400	3 669 158 400
<b>Умумий:</b>				<b>3 669 158 400</b>

## VI. ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАР ВА АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИ



## 6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилган қонуниятларни ўрганеди, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини энг мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдаги **«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги ҳамда 1996 йил 27 декабрдаги **«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»** Қонунлари табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли фармониға биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- иқтисодиётни экология-

лаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизmlарини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топширилатган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўтиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўтиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топшириқларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечаётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни тахликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг қўламда қўлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаштириб юборади.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишининг тобора кучайиши натижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум даражада мувозанатдан чиқмоқда, бу эса ер юзиде ҳаётини жаратган рисоладагидек кечилишига хавф солмоқда. Шу боисдан табиий муҳитни асраш муаммолари кўп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқилана фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига кўрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажакда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мумкин эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир кўрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

1) Табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳосил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради;

2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳаракати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;

3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян даврийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33— 35 йиллик ва кўп йиллик);

4) зоналик;

5) регионаллик.

## 6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш





**Экологик назорат** объектлари куйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар атроф муҳит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

**Экологик назоратнинг турлари:**

давлат экологик назорати;  
идоравий экологик назорат;  
ишлаб чиқариш экологик назорати;  
жамоатчилик экологик назорати.

**Ҳар қандай янги лойиҳа бўйича** ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этилишида **экология йўналиши бўйича 5 та норма-**

**тив-ҳужжат** ишлаб чиқилиши мажбурий тарзда қонунчилигимиз билан мустаҳкамланиб қўйилган. Булар:

**АМТА** – атроф муҳитга таъсири аризаси ҳақидаги ҳужжат;

**ЭОА** – экологик оқибатлар аризаси ҳақидаги ҳужжат;

**ПДВ** – атмосфера қатламига чиқариладиган ташламалар ҳақидаги норматив;

**ПДС** – ер қатламига чиқариладиган зарарли чиқинди оқвалар ҳақидаги норматив. Агар чиқинди сувлар канализация тармоғига уланса **КЭН** нормативи ишлаб чиқарилади;

**ПДО** – ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти давомида ажраладиган саноат ва маиший чиқиндиларнинг ҳудудга ва атрофга жойлаштирилиши ҳақидаги норматив. Агар чиқиндилар экологик сертификатланган бўлса компенсацион тўловларга тортилмайди.

## VII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ



## 7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустаҳкамланиб қўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйилади. Меҳнат қилувчи шахс хавф-

сизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш усулидан қатъий назар барча корхона, муассаса, таш-

килотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шариоитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнат-

ни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади.

Меҳнат муҳофазасида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жамоавий ҳимоя воситалари** — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биниси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

**зарарли ишлаб чиқариш омили** — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

**иш ўрни** — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий

ёки вақтинчалик бўлиш жойи;

**ишлаб чиқариш фаолияти** — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

**ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса** — ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазибаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келадиган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

**касб касаллиги** — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб

чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

**меҳнат шароитлари** — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

**меҳнатни муҳофаза қилиш** — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш — ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

**ноқулай ишлаб чиқариш**

**омиллари** — зарарли ишлаб чиқариш омилининг ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилининг мавжудлиги;

**хавфли ишлаб чиқариш омили** — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

**шахсий ҳимоя воситалари** — ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.





## VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли “Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга кўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интерактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

### **ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

## IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар таклиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда эътибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

### **КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:**

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);

- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинган ёки ижарага олинган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);

- корхона ташкил қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);

- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мухабедбаева З.А., Отақўзиев Т.А., Юнусов М. Хризотилцемент буюмлари ишлаб чиқариш кимёвий технологияси. Ўқув дарслик. Т.: 1999.
2. Беркович Т.М. «Хризотилцемент технологиясининг асослари» -М.: Қурилиш нашриёти, 1979.
3. Берней И.И., Колбасов В.М. «Хризотилцемент маҳсулотлари технологияси». –М.: Қурилиш нашриёти. 1985.
4. Сивалобов И.В. «Хризотилцемент маҳсулотлари ишлаб чиқаришда механик технологиялар». –М.:, 1983.
5. Тимашев В.В., Леонов И.И. «Боғловчилар ва хризотилцемент ишлаб чиқаришни техник таҳлил қилиш ва назорат қилиш». –М.: Қурилиш нашриёти, 1984.
6. Сатарин В. И., Акопян В. А., Хризотилцемент саноати. М.. 1962г.
7. Соколов П. Н., Хризотилцемент маҳсулотлари технологияси, М., 1960г.
8. Мухабедбаева З.А., Отақўзиев Т.А., Юнусов М. Хризотилцемент буюмлари ишлаб чиқариш кимёвий технологияси. Ўқув дарслик. Т.: 1999.
9. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 б.
10. Сатторов З.М. Қурилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 б.



### **“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ**

**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри.  
Шаҳрисабз кўчаси 3-уй.

**Мўлжал:** “Ўзбекистон почтаси”,  
“Ucell” бош офиси.

**Алоқа учун:** + 998 (78) 120-35-94

**E-mail:** info@uzpsb.uz

**Сайт:** sqb.uz

### **“ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ” МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.**

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,  
68-А уй.

**Мўлжал:** Дўстлик боғи,  
“Ичан қалъа” меҳмонхонаси

**Алоқа учун:** (71) 254–92–01

**E-mail:** info@uzqmliti.uz

**Сайт:** uzqmliti.uz













**Хризотилшифер ишлаб чиқариш  
бўйича амалий услубий қўлланма**

**Компьютерда тайёрловчилар:**  
Эрматов Ф., Алимжонов С.

**Дизайнер:**  
Эрматов Ф.